



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2016 йил 9 ноябрь, № 221 (6656)



Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



Она заминимиз мева-сабзавотлари — юқори сифатли ва харидоргир

Кеча Тошкент шаҳридаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси ўз ишини бошлади.



Мазкур йирик анжуманда Жаҳон банки, Осий тараққиёт банки каби молия институтлари ва нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, Жанубий Корея, Япония, Малайзия, Хитой, Россия, Ҳиндистон, Бирлашган Араб

Амирликлари, Буюк Британия, Франция, Исроил, Польша, Италия, Испания, Голландия, АҚШ, Афғонистон, Туркменистон, Қозғистон сингари ўттиздан ортиқ мамлакатларнинг компания ҳамда фирмалари етакчи эксперт ва мутахассислари, савдо ҳамда логистика марказлари раҳбарлари иштирок этмоқда.



завот-полизчилик жабҳасини тараққий эттиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Натижада махсулот етиштириш ҳажми ортиб, нафақат озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланаётгани, балки чет эллик истеъмолчиларга ҳам катта миқдорда бoғ ва дала неъматлари етказиб берилаётгани кувонарлидир.

Халқаро тадбирнинг очилиш маросимида сўзга

чиққанлар таъкидлаганидек, ташки бозорда юртимизда етиштирилган ноз-неъматларга талаб тобора ортиб бораёттир. Чунки улар жуда мазали, истеъмол хусусияти юқори, энг асосийси, экологик жиҳатдан тозадир. Экспертларнинг хулосаси ҳам шундай. Уларнинг эътирофи этишича, меваларимиз таркиби табиий шаклар, амино ва органик кислоталар, турли микроэлементлар ҳамда озиқ-овқат рацонида ўрнини алмаштириб бўлмайдиган биологик моддаларга бойлиги билан устунликка эга. Шу

маънода, мазкур ярмарка чет эллик ҳамкорлар, озиқ-овқат саноати корпорациялари ҳамда ритейл компаниялар учун Ўзбекистон боғдорчилиги ютуқлари билан яқиндан танишиш, ўзбек фермери ва соҳибкорлари билан сарҳил мева-сабзавот, узум, полиз ҳамда дуккакли махсулотлар, улар асосида тайёрланган озиқ-овқат товарлари хариди бўйича тўғридан-тўғри савдо-сармовий алоқалар ўрнатиш учун қулай фурсатдир.

(Давоми 3-бетда).



4 ДЕКАБРЬ — САЙЛОВ КУНИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ — ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШ ВА ИСЛОҲОТЛАР КЎЗГУСИ

Мамлакатимизда 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ишлари қизгин паллага кирди. ЎЗА мухбири Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси Мирза-Улугбек АБДУСАЛОМОВ билан ушбу сайловнинг мамлакатимиз ҳаёти ва тараққиётидаги аҳамияти, миллий сайлов қонунчилигимизга киритилган ўзгаришлар, сайловга кўрилатган тайёргарлик ишлари ҳақида суҳбатлашди.

— Мустақиллигимиз асосчиси, Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг бевақт вафоти барчамиз, бутун халқимиз учун огир жудолик бўлди, — дейди М. Абдусаломов. — Юртбошимиз мамлакатимиз деярли жар ёқасига келиб қолган, огир ижтимоий-иқтисодий муаммолар жамиятда кескин норозилик кайфиятини туғдирган мураккаб ва таҳликали бир пайтда республика раҳбари этиб сайланган эди. Буюк Йўлбошимиз ўзининг оқил ва доно сиёсати, узокни кўра олиши, ҳар бир муаммо ва масаланинг ечими устида чуқур ўйлаб, етти йўлаб, бир кесиши натижасида нафақат ўша даврда вужудга келган вазиятнинг янада чуқурлашиб, олов олиб кетишининг олдини олишга эришди, балки Ватанимиз истиқлолини эълон қилиб,

уни мустақил тараққиёт йўлига олиб чиқди. Биринчи Президентимиз раҳнамолигида Ўзбекистон ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга бўлган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, халқ фаровонлигини, унинг ҳаёт сифатини ва даражасини муттасил ошириб бориш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш йўлида оламшумул ютуқларга эришди.

Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий муаллифи, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш жараёنларининг ҳуқуқий асосини белгилаб берган кўплаб қонун ҳужжатларининг ташаббускори ва ижодкори бўлди.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистонда Туркменистон маданияти кунлари бошланди

Юртимизда Махтумқули ғазаллари кириб бормаган хонадон йўқ ҳисоби. Худди шундай, Туркменистонда Алишер Навоийни танитмас киши топилмади. Бу тил, урф-одат ва анъаналаримиз ўхшашлиги, тарих, маданият ва қадриятлардаги муштараклик туфайлидир. Ўзбек — туркман халқлари ўртасидаги ришталар ҳамisha дўстона, самимий, барқарор...

Ўзбекистонда Туркменистон маданияти кунлари бошланди. Шу муносабат билан Туркменистон маданият вазирлиги ўринбосари А. Шомуродов

раҳбарлигида бир гуруҳ санъат ва маданият намояндалари мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди.

— Фестивалдан кўзланган асосий мақсад, халқ-

ларимиз ўртасидаги адабий, муслиқий, маданий ҳамкорлиқни, биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишдан иборат, — дейди А. Шомуродов. — Бу тадбир азалдан туташ дўстлик йўлларимизни янада кенгайтиришидан мамнунмиз.

(Давоми 3-бетда).



САЙЛОВ — 2016

Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд вилояти сайловчилари билан учрашуви

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 8 ноябрь куни Самарқанд вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни ЎзЛиДеПнинг Самарқанд вилояти кенгаши раиси М. Холмуҳамедов очди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар натижасида мамлакатимизнинг барча ҳудуди қатори Самарқанд вилояти ҳам ҳар томонлама раванқ топмоқда. 2010 йилдан буён ялпи ҳудудий махсулот 1,7 баробар ўсган ва бу суръат изчил давом этмоқда. Вилоят иқтисодиёти таркибида саноатнинг улуши 2011 йилда 18 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йил якуни билан 23,8 фоизга етиши кутилмоқда. Кейинги беш йилда вилоятда 100 дан ортиқ янги қўшма ва хорижий корхоналар ташкил этилиб, уларнинг сони 259 тага етган. Мазкур корхоналар томонидан йилига 2,5 триллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев ўз Сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Дастурда давлат ва жамият бошқаруви тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, макроиқтисодий барқарорлик ва изчил ўсиш суръатларини таъминлаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, мамлакатимиздаги тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қаратилган устувор вазифалар белгиланган. Унда ижро ҳокимияти фаолияти самарадорлигини ошириш, жамоатчилик назорати

механизмларини кучайтириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини ва одил судловни таъминлаш, иқтисодиётни модернизация ҳамда диверсификация қилиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, хусусий мулк ва тадбиркорлиқни ривожлантириш, озуқабол ҳамда экспортбoл эканларни кўпайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳаёт сифати ва фаровонлигини юксалтириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган.

Учрашув видеоконференция шаклида ўтди. Самарқанд шаҳри ва вилоятнинг барча туманлари марказидан сайловчилар номзоднинг дастури юзасидан ўз фикрларини билдирди.

“Нуроний” жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими кенгаши раиси Х. Нормуродов, шоира Х. Бомбуродова, меҳнат фахрийси А. Хошимов, Пайариқ туманидаги 6-умумтаълим мактаби ўқитувчиси А. Шульга, Каттақўрғон туманидаги “Пайшанба” шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Қ. Аҳмедов, Иштихон туманидаги 87-умумтаълим мактаби директори Ш. Умиров ва бошқалар дастурда белгиланган вазифалар мамлакатимизни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади. Президент сайловига тайёргарлик жараёнлари миллий қонунчиликимиз ва халқаро демократик тамойилларга тўла мос равишда ўтаётганини қайд этди. Сайловчилари 4 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

Ў.А.

Хатамжон Кетмоновнинг Қорақалпоғистон Республикаси сайловчилари билан учрашуви

8 ноябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмоновнинг Қорақалпоғистон Республикаси сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Нукус шаҳри Ёшлар марказида видеоконференция шаклида ташкил этилган тадбирда номзоднинг ишончли вакили Ҳалилла Ешимбетов йиғилганларни Хатамжон Кетмоновнинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмонов Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифалар ҳақида сўзлаб берди. Жумладан, номзод ўз дастурида аҳоли, айниқса, олис қишлоқ ҳудудларида бирламчи тиббий ёрдамдан қулай ҳамда тез фойдаланиш имкониятини таъминловчи қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини кенгайтириш, имтиёзли ва бепул асосда малакали тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ижроси устида тизимли назоратни, фуқаролик қорхоналари ҳамда дорихона муассасалари фаолияти ва дори-дармон воситалари нархи устидан давлат ҳамда жамоатчилик назоратини, дори воситалари рекламасини чеклаш, асосий дори воситалари рўйхатидаги дори воситаларининг давлат тиббиёт муассасаларида мавжуд бўлиши ва айрим тоифадаги шахсларга дори воситаларининг имтиёзли берилишини таъминлаш устидан давлат ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш масалалари илгари сурилаётганини таъкидлади.

Шунингдек, ижтимоий адолат, меҳр-оқибат, очкилик ва ошқоралик тамойиллари асосида маҳалланинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази сифатидаги ролини ошириб бориш чора-тадбирларини кўриш, нафақалар ҳамда моддий ёрдамни, асосан, кам таъминланган оилалар, моддий мададга муҳ-

тож кексалар ва болаларга йўналтириш, ўз бизнесини ташкил этишга интилувчи меҳнатга лаёқатли фуқароларга имтиёзли кредитлар ва фоизсиз ссудалар ажратиш амалиётини янада ривожлантириш лозимлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесидеги фракцияси раҳбари Е. Торениязов, “Қарақалпақстан ҳавуази” газетаси муҳаррири Ш. Аяпов, Хўжайли туманидаги 70-мактаб директори А. Оринбаева, Бердак номидаги Қорақалпоқ давлат университети магистранти Г. Сейтназарова ва бошқалар номзоднинг Сайловолди дастурига ўз муносабатини билдирди. Чунончи, маҳаллий хом ашё ҳамда материалларни қайта ишлаш корхоналарининг ички ва ташқи бозорда рақобатдош, юқори қўшимча қийматга эга истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни молиявий ва иқтисодий рағбатлантириш, имтиёзли кредитлаш самарадорлигини ошириш, йирик корхоналарга қасаначилик иш жойларини ташкил этиш бўйича мажбурий квоталар белгилаш орқали имконияти чекланган шахсларни қасаначилик фаолиятига жалб қилишни кенгайтириш, ҳудудлардаги демографик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, мактабгача, ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларини олдидан барпо этиш амалиёти янада ривожлантириш зарурлиги тўғрисидаги фикрларини алоҳида қўллаб-қувватладилар. Айни чоғда сайловчиларни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмоновга овоз беришга чорладилар.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Наримон Умаровнинг Навоий вилояти сайловчилари билан учрашуви

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 8 ноябрь куни Навоий вилояти сайловчилари билан учрашди.

Онлайн видеоконференция шаклида ташкил этилган учрашувда 2500 нафарга яқин сайловчи, жумладан, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, ёшлар, партия аъзолари ҳамда журналистлар қатнашди.

Тадбирни Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Рустам Хайитов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили Сурайё Мансурова иштирокчиларни Наримон Умаровнинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров ўз Сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлаб, энг аввало, Навоий вилоятида саноат тармоқлари жадал ривожланаётгани, “Навоий” эркин иқтисодий зонасида ўнлаб корхоналарда импорт ўрнини босувчи махсулотлар ишлаб чиқариш билан бирга, экспорт имконияти кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Номзод ўз дастурида партиянинг гоё ва дастурий мақсадлари илгари сурилганини, бу эса ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳамда уларнинг ечими юзасида аниқ механизмларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этишини айтиб ўтди. Хусусан, бутун дунёда фан ва технологиялар жадаллик билан ривожланаётган ҳозирги даврда фақат янги технологияларга асосланган иқтисодиётгина давлат қудратини ошириб, халқимиз фаровонлиги ҳамда жамиятимиз барқарор тараққиётга хизмат қилишига оид мулоҳазалар сайловчилар диққат-эътиборида бўлди.

Шунингдек, номзод ўз дастури-

да экология соҳасини комплекс ривожлантиришга оид дастурни ҳаётда татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилганини маълум қилди. Ушбу дастурда табиатнинг саноат корхоналари томонидан ифлослантирилишини камайтириш, чанг ва заҳарли моддаларни кўп ютувчи дахлатлар сонини ҳамда турини ошириш, шаҳарлар ва саноат корхоналари атрофида яшил ҳудудлар барпо қилиш орқали атроф-муҳит мусофқолигини таъминлашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланишини қайд этди. Бу борадаги вазифалар, ўз навбатида, фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилишда долзарб аҳамият касб этиши хусусидаги фикрлар иштирокчилар томонидан тўла қўллаб-қувватланди.

Қизгин мулоқот руҳида ўтган учрашувда қатнашчилар ўзларини қизиқтирган саволларга Президентликка номзод ва унинг ишончли вакилларида атрофлича жавоб олишди.

Учрашувда Кармана туманидаги 4-умумтаълим мактаби директори Г. Сатторов, Навоий шаҳридаги “Spark-Advokatus” адвокатлик фирмаси юристи Ш. Фозилова, Навоий кончилик касб-хунар коллежи директори Ш. Норов, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиали директори Ю. Маликов ва бошқалар номзоднинг Сайловолди дастури ҳақида ўз фикрларини билдиришди. Шунингдек, улар сайловчиларни 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Наримон Умаровга овоз беришга чақирдилар.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

◄ (Давоми. Бошлангичи 1-бетда).

Ўзбекистонда демократик таъмоийиллар-га тўлиқ жавоб берадиган миллий сайлов тизими ва қонунчилиги яратилгани ҳам бевосита Биринчи Президентимиз номи ва фаолияти билан боғлиқ.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилиги асосини Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган бошқа халқаро ҳуқуқ ҳужжат-ларида мустаҳкамланган ва жаҳонда эътироф этилган муҳим демократик принциплар ташкил қилади. Бу ҳақда гапирганда, ақсарият хорижийлик мустақил экспертлар бугунги кунда Ўзбе-кистон сайлов қонунчилиги демокра-тияга мувофиқлик даражаси бўйича дунёнинг қўллаб ривожланган давлат-ларининг сайлов тўғрисидаги қонулла-ридан устундир, деган фикрда экани-ни айтиб ўтиш ўринлидир.

Мамлакатимизда яратилган ана шун-дай демократик сайлов қонунчилиги парламент, Президент ва маҳаллий Кенгашларга сайловларнинг мустақам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбе-кистон Республикаси Конституцияси-нинг 96 ва 117-моддалари, «Ўзбекис-тон Республикаси Президенти сайло-ви тўғрисида»ги Қонуннинг 8-модда-си, «Ўзбекистон Республикаси Марка-зий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуннинг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ, 2016 йил 4 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни, деб белгилади ва 9 сентябрдан сайлов кампанияси бошлангани эълон қилинди.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда давлат бошқарувда президентлик институти асосий ўрин тутади. Мамла-катимиз хали собиқ иттифоқ таркиби-да бўлган даврда Ислом Каримов асос солган бу институт мустақилликка эришиш йўлидаги муҳим қадам эди. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан кейин президентлик институти ўзининг тон маънодаги мазмун-моҳиятига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конститү-циясида мустақамлаб қўйилгандек, Президент давлат бошлигидир ва дав-лат ҳокимияти органларининг қелишл-иқлар ҳолда фаолият юритиши ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди. Президент фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари-га, Ўзбекистон Республикаси Консти-туцияси ва қонуналарига рияоз этили-шининг қафолатидир.

Мустақил Ўзбекистон тарихининг хозирги даврида олдимизда нийҳатда масъулиятли вазифа турбиди. Юрти-миздаги тинчлик ва осийошталликни, фуқаролар ва динлараро бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳити-ни асраб-авайлаш ва янада мустақам-лаш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни барқарор ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини изчил юксалтириб бо-риш, Ватанимизнинг дунёдаги энг ри-вожланган давлатлар қаторидан жой олиши йўлидаги эзгу максасларимиз-ни рўёбга чиқариш бўйича стратегик ва устувор вазифаларни белгилаб олиш-имиз лозим.

Шу маънода, жорий йилнинг 4 де-кабрида бўлиб ўтадиган Президент сайлови мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида гоят муҳим ўрин тутадиган иж-тимоий-сиёсий тадбир ҳисобланади.

Мазкур сайловга ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техник жиҳатдан юксак да-ражада тайёргарлик қўриш, уни мил-лий сайлов қонунчилигимизда мустақ-камлаб қўйилган демократик принципларга тўлиқ мувофиқ ҳолда, очик-ош-кора ва адолатли ўтказиш катта аҳами-ятга эга. Бунинг учун мамлакатимизда барча шарт-шароит яратилган.

— Президент сайловини демо-кратик таъмоийларга мувофиқ ҳолда ўтказишни қафолатлайдиган ҳуқуқий асослар тўғрисида кенгроқ маълумот берсангиз.

— Ўзбекистон Республикаси Консти-туцияси миллий сайлов тизимининг фаолият юритиши ва жамиятимиз ҳаётининг барча жаҳасини демократик ривожлантиришда, шубҳасиз, асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда. Конституцияда, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбе-кистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланиш белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, мустақиллик йилларида Президент сайлови жараёнини тартибга солади-ган қонулар яратилди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида», «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонулар ва бошқа қонун ҳужжатлари шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда ушбу соҳада қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар адолатлилик, очиклик, ошқоралик ва транспарентлик принциплари асосида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига сўзсиз рияоз этиш, сайловчиларга сай-ловда эркин иштирок этиш учун зарур шарт-шароитлар, Президентликка номзод қўрсатадиган сиёсий партия-лар ва номзодларга сайлов кампания-си давомида кенг ва тенг имконият-лар яратишга қаратилган.

Миллий қонунчилигимизда Марка-зий сайлов комиссияси раҳбарлигида сайловларнинг қонун талабларига му-вофиқ равишда ташкил этилиши ва

ўтказилишини таъминлайдиган ҳамда қафат қонунга бўйсунадиган мустақил сайлов комиссиялари ҳақидаги меъё-р мустаҳкамлаб қўйилгани сайлов тизи-мининг энг муҳим хусусиятидир.

— Сайлов қонунчилигига кейинги йилларда киритилган ўзгартишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Мамлакатимизда тўпланган де-мократик сайловлар ўтказиш тажриба-си ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳисобга олган ҳолда, сайлов қонунчи-лиги изчил такомиллаштирилмоқда. Айтиб ўтиш керакки, 2014 йилда Ўзбе-кистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва ша-ҳар Кенгашларига сайловлар ҳамда 2015 йилда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови демократик сайлов тизимини ривож-лантириш борасида олиб борилаётган ўзгаришлар ўз самарасини бераётга-нини кўрсатди.

Мамлакатимизда демократик исло-хотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида сайлов қонунчи-лигига сайлов эркинлиги принципини янада тўлиқ амалга оширишга оид меъ-ёрлар киритилди. Бу сайловолди таш-виқотини ўтказишда сиёсий партиялар ва улар томонидан қўрсатилган номзодларни тенг шароитлар билан

ни қўллаб-қувватлаб тўпланган имзо варақалари тўғри тасдирилганлигини текшириш тартиб-таъомили, сайловол-ди ташвиқоти ҳамда сайлов кампания-си молиялаштирилиши, шикоят ва ари-залар қўриб чиқилиши, шунингдек, ку-затувчиларнинг ҳуқуқлари ва вазифа-ларига оид масалаларни тартибга со-ладиган ҳужжатлар янгиланганди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуларда бошқа дав-латлар ва халқаро ташкилотлардан бўлган кузатувчиларга мандатлар Марказий сайлов комиссияси томони-дан берилиши ҳақидаги норма мустақ-камланди.

— Сайловга тайёргарлик ишлари қандай кетмоқда?

— Барча даражадаги сайлов комис-сияларининг фаолияти ва сайлов жа-раёнининг ҳар бир bosкичида ўтқи-зладиган тадбирлар тегишли қонулар ҳамда қонунчилик талабларидан қелиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган Ўзбе-кистон Республикаси Президенти сай-ловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтқа-зиш бўйича асосий тадбирлар дасту-ри асосида олиб борилмоқда. Сайлов кампаниясини юксак демократик дара-жада ташкил этиш, округ ва участка сайлов комиссияларининг самарали

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ — ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШ ВА ИСЛОҲОТЛАР КЎЗГУСИ

таъминлаш самарадорлигини ошириш, сайлов давомида ошқораликни таъмин-лашинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш имконини берди.

2015 йилда ўтказилган Президент сайловидан кейин «Ўзбекистон Респуб-ликаси Президенти сайлови тўғриси-да»ги Қонуннинг такомиллаштирилга-ни ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қонунда сиёсий партияларнинг сайлов-да қатнашишда енгиллик берилди. Яъни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига қўрсатилган номзод-ни қўллаб-қувватловчи имзо варақала-ри жами сайловчиларнинг умумий сони камида бир фоизининг, камида саккизта маъмурий-худудий тўзилма насосяндаси бўлган сайловчиларнинг имзосини қамраб олган бўлиши керак. Илгари бу қўрсаткич беш фоиз эди.

Овоз бериш тартибига оид қоида-ларнинг такомиллаштирилгани сайлов-ларни янада либераллаштириш, улар-нинг очиклигини таъминлаш, фуқаро-ларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ва мустақил билдириши учун янада қулай шарт-шароит яратди.

Тараққий этган давлатлар қонунчи-лигида мавжуд бўлган сайлов кунчи ва овоз бериш бошланишига бир кун қол-ганда сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмаслигига доир норма ҳам қонун-чилигимизга киритилди. Бу сайловчи-ларга ўз қарашларини, сиёсий хайри-хоҳлигини аниқлаб олиш, ким ва қан-дай сиёсий дастур учун овоз бериш масаласида аниқ бир қарорга қелиши учун қўшимча имконият яратди. Бу овоз бериш куни арафасида турли суоистеъмоллик ҳолатлари ва қонун-бузилишларининг олдини олади.

Сайлов куни айрим фуқаролар меҳ-нат таътили, хизмат сафари ёки ўқи-ув фаолиятининг тартиби, давлат ва жа-моат мажбуриятларини бажариш, са-ломатлиги билан боғлиқ узрли сабаб-ларга кўра, ўз уйларида бўлмасликла-ри мумкин. Бунда сайловчилар бошқа маъмурий ҳудудга кетаётганлиги те-гишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак. Бу жараён «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддасида ўз ифодасини топган. Муддатидан ол-дин овоз бериш сайловга 10 кун қол-ганда бошланади ва сайловга бир кун қолганда тугалланади. Муддатидан ол-дин овоз беришни ўтказиш вақти ок-руг сайлов комиссияси томонидан бел-гиланиб, сайловчилар, кузатувчилар ҳамда ОАВ вакилларининг эътиборига етказилади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, қамоқда сақлаш жойларида сайлов участкала-рини ташкил этиш имконияти «Ўзбе-кистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуларга кири-тилган эди. Бу амалиёт Қонунчилик па-латасига бўлиб ўтган сайлов вақтида, шунингдек, Марказий сайлов комис-сияси қарорига асосан, 2015 йилда бўлиб ўтган Президент сайловида муваффақиятли сынаб кўрилди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликла-рини таъминлаш максасида қамоқда сақлаш жойларида суд ҳукими чиқарил-маган шахсларнинг овоз бериши учун имконият яратилди.

Сайлов қонунчилигидаги сўнгги ўзгартиш ва қўшимчалардан қелиб чи-қиб, Марказий сайлов комиссиясининг ўндан зиёд низоом ва йўриқномаси қайта қўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси томо-нидан сайловчилар рўйхатини тўзиш тартиби, номзодлар қўрсатиш ва улар

фаолият қўрсатиши, сайлов жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириш учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегара-лари доирасида Ўзбекистон Республи-каси Президенти сайловини ўтказувчи 14 сайлов округи тўзилди, округ сай-лов комиссиялари томонидан 9 минг 378 сайлов участкаси ташкил этилди. Мамлакатимизнинг хорижий давлат-лардаги ваколатхоналари ҳузурида 44 сайлов участкаси тўзилди. Участка сайлов комиссиялари таркиби шақл-лантирилиб, уларнинг фаолиятига 98 мингдан зиёд киши жалб қилинган. Округ сайлов комиссиялари аъзолари-нинг 56 нафари хотин-қизлардир, улар-нинг 12 нафари сайлов комиссияла-рининг раҳбариятидан жой эгаллаган. Участка сайлов комиссиялари тарки-бида хотин-қизлар сони 47,4 фоизни ташкил этади. Участка сайлов комис-сиялари раисларининг 26,7 фоизи хотин-қизлардир.

Сайлов округлари ва участкалари барча шарт-шароитга эга замонавий биноларда жойлаштирилиб, транспорт, ахборот-коммуникация ва алоқа воситалари, шу жумладан, интернетга уланиш имкониятлари билан таъмин-ланмоқда.

Жисмоний имкониятлари чекланган фуқароларнинг овоз беришда иштирок этиши учун қулай шарт-шароит яра-тиш мақсадида ҳар бир сайлов участ-каси ногиронларнинг аравачалари бе-малол бинога киришини назарда тут-адиган алоҳида пандус билан жиҳозлан-моқда. Бундан ташқари, кабиналарнинг бири ногиронларнинг овоз бериши учун мўлжалланмоқда. Кўзи ожиз фуқароларга Брайль алифбосида сай-лов мавзуси бўйича турли рисоалар тайёрланмоқда, илк марта улар учун мўлжалланган сайлов бюллетенларини тайёрлаш режалаштирилган. Буларнинг барчаси имконияти чекланган шахслар жамиятимизнинг тўлақоли аъзоси ака-нини инобатга олган ҳолда амалга оширилмоқда.

Маълумки, участка сайлов комис-сиялари фаолиятини тўғри ташкил этиш сайлов кампаниясини қонун асо-сида олиб боришининг энг муҳим шарт-ларидан бири ҳисобланади. Шу боис бу жиҳатга янада катта масъулият би-лан ёндашилмоқда, сайлов участкала-рини тайёрлаш, участка сайлов комис-сиялари аъзоларининг ҳуқуқий били-мини ошириш бўйича кенг қўламли иш-лар амалга оширилмоқда. Участка сай-лов комиссиялари ишини самарали ташкил этишга қаратилган уч bosкич-ли семинар-тренинглр дастури ишлаб чиқилди. Мамлакат, вилоят ва туман-лар мёқсисида ташкил этилаётган маз-кур тадбирларда Марказий сайлов ко-миссияси аъзолари, сайлов қонунчи-лиги ва амалиёти бўйича экспертлар ҳам бевосита иштирок этиб, участка сайлов комиссиялари фаолиятини мо-лиялаштириш, сайловчилар рўйхатини тўзишининг ўзига ҳос хусусиятлари, овоз бериш жараёнини ташкил этиш ҳамда ўтказишининг ҳуқуқий асослари, муда-датдан олдин овоз беришни ташкил қилиш сингари долзарб масалалар бўйича участка сайлов комиссиялари аъзоларининг билим ва малакалари оширилмоқда.

Бугунги кунда сайлов участкалари фуқароларимизнинг нафақат ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, балки ном-зодлар сайловолди дастурлари ва тар-жимаи ҳоллари билан танишиши учун сиёсий-маърифий марказга айланган.

Бу ерда сайловчи сайловга оид ҳар қандай маълумотни олиши мумкин.

Миллий сайлов амалиётимиз тари-ҳида биринчи бор Ўзбекистон Респу-бликаси Президенти сайловига тайёр-гарлик қўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалти-риш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури қабул қилинди.

Дастур фуқароларга истиқлол йилларида яратилган миллий сайлов тизими, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонун, сўнгги йилларда унга киритил-ган ўзгартиш ва қўшимчалар, Марка-зий сайлов комиссиясининг сайлов масалаларини тартибга солувчи қарор-ларининг мазмун-моҳияти ҳамда сай-ловчиларнинг қонуларда мустақ-камлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликла-ринини кенг тўшунтириш ишларини олиб боришни назарда тутади.

Тарғибот тадбирлари давра субҳа-ти, семинар, учрашув, бевосита муло-қот, конференция, тренинг шаклида, оммавий ахборот воситалари орқали мақола, эшиттириш ва қўрсатувлар эълон қилиш, турли рисола, флаер ва бошқа тарғибот материалларини тай-ёрлаш орқали амалга оширилмоқда.

Дастурда назарда тутилган тадбир-лар доирасида аҳолининг барча қат-лами, хориждаги юртдошларимиз қам-

раб олинмоқда. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Республика Байналмилал маданият маркази, фуқаролик жамия-ти институтлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шериклида фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва фаоллигини янада ошириш мақсадида турли акциялар ўтказмоқда.

Сайловчилар ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тарғибот тадбир-ларида оилавий овоз беришининг ол-дини олишга алоҳида эътибор берил-моқда. Жойларда сайловчилар, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзо-лари иштирокчи семинарлар ўтказил-моқда. Шу билан бирга, мазкур мав-зуда 100 минг нусхада ташвиқот пла-катлари чоп этилиб, уларни одамлар гажхум масканларда жойлаштириш иш-лари амалга оширилмоқда. Ўзбекис-тон Миллий телерадиокомпанияси би-лан бирга муддатидан олдин овоз бе-риш, овоз бериш ва сайлов бюлле-тенини тўлдириш тартибига бағишлан-ган роликлар тайёрланмоқда.

— Сайлов кампаниясининг энг му-ҳим bosкичларидан бири бўлган сай-ловолди ташвиқоти давом этмоқда. Ушбу жараён ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Сайловолди ташвиқоти сайлов кампаниясида гоят муҳим ўрин тутади. Бу жараёнга барча демократик давлат-лар, жумладан, мамлакатимизда ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Ташви-қот номзодларга сайловчиларни ўз сайловолди дастури билан таништириш имконини беради. 2015 йил 29 декаб-рда қабул қилинган «Ўзбекистон Рес-публикасининг айрим қонун ҳужжатла-рига ўзгартиш ва қўшимчалар кири-тиш тўғрисида»ги Қонун сайловга оид қонунчиликни такомиллаштириш ишларининг мантӣқий давоми бўлди. Мазкур Қонунда сайловолди ташвиқо-тини олиб боришининг турлари, шакл-лари ва усуллари, оммавий ахборот воситалари орқали ташвиқот олиб бориш, ОАВ орқали тарқатиладиган ахборотга қўйиладиган, масалан, унинг ҳаққончилиги, Президентликка номзод-лар, сиёсий партияларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузмаслигига доир талаблар батафсил баён этилди.

Қонунда босма, кўргазмали, аудио-визуал ва бошқа ташвиқот материал-ларида, албатта, қўрсатилиши лозим бўлган адад, босиб чиқарилган сана каби маълумотлар рўйхати ўз аксини топган. Бино, иншоотлар ва бошқа жойларда жойлаштирилган сайловол-ди ташвиқоти материаллари сайлов ку-нидан бир кун аввал маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан олиб ташланиши белгилани.

Сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқо-ти юритиш, Президентликка номзод-лар учун тенг шароитлар яратиш ма-салаларига алоҳида эътибор қаратил-ган. Хусусан, давлат ва ҳужалик бош-қаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоатчилик би-ришмалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Президентликка номзодларга сайлов-чилар билан учрашув ўтказиш учун тегишли равишда жиҳозланган ҳона-лар ажратиш, керакли маълумот ва ахборот материалларини олишига қўмаклашиши шартлиги белгилани.

Бугунги кунда сайлов кампанияси, шу жумладан, сайловолди ташвиқоти-ни амалга ошириш жараёнлари мам-лакатимиз қонунчилиги ва Марказий

сайлов комиссияси томонидан тасдиқ-ланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига тўла мувофиқ ҳолда амалга оширилмоқда.

Сиёсий партиялардан қелиб тушган тақлиф ва истакларни инобатга олиб, ҳар бир номзодга ўз сайловолди дас-турларини аҳолига етказиш учун Ўзбе-кистон Миллий телерадиокомпанияси-нинг «Ўзбекистон» ва «Ешлар» теле ва радиоканалларида 638 дақиқадан, Миллий телерадиокомпаниянинг 12 худудий телеканалида 206 дақиқа-дан, «Тошкент» телерадиоканалида 286 дақиқадан бепул эфир вақти ажратил-ди, «Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталарида 6 са-ҳифадан иборат нашр майдони бепул берилмоқда. Бундан ташқари, худуд-лардаги 30 маҳаллий газетда ҳар бир номзод учун 55,5 саҳифа нашр майдо-ни бепул тақдим қилинади.

Турли миллат вакиллари бўлган фуқароларга сайловолди ташвиқоти материаллари билан танишишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбе-кистон Республикаси Президентлигига номзодлар тоҳик тилидаги «Овози тоҳик», «Овози Самарқанд», қозоқ тилидаги «Нурли жол» газеталари нашр майдонидан бепул фойдаланади.

Умуман олганда, сайлов кампанияси жараёналари ҳақидаги ахборотлар мамлакатимиздаги ОАВларда 17 тил-да чоп этилмоқда. Бундан ташқари, корейс тилидаги «Корё Симун», «Тхонил-Единство», арман тилидаги «Апага» каби нашрлар ҳам ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз муштарийларини ушбу жараёнлар тўғрисида хабардор қилиш-лари диққатга сазовордир.

Номзодларнинг ҳар бири мамлака-тимиз бўйича 642 тадан ташқи рекла-ма воситасидан, яъни махсус констрүк-циялар, экрнлар, биллбордлардан ўз дастурий гоя ва мақсадларини тарғиб қилишда фойдаланадилар. Республи-камиздаги 36 электрон мониторда ҳам номзодларнинг ташвиқот роликларини бепул жойлаштириш имконияти яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президент-лигига номзодлар оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти материалларининг турлари, шакллари, усуллари ва мазмунини мустақил белгилайди.

Таъкидлаш жоизки, сайловолди ташвиқоти даврида дин шарт-шароит яратиш таъмоийли партия нашрларига нисбатан татбиқ этилмайди. Улар тегишли материалларни исталган ҳажмда чоп этишлари мумкин.

Бугунги кунда номзодлар сайловол-ди ташвиқоти тадбирларини фаол олиб бормоқда, бу жараёнда уларга ишонч-ли вакиллари қайдан ёрдам бермоқда.

Округ сайлов комиссиялари тенглик таъмоийлига рияоз қилинишини қаттиқ назорат қилмоқда.

Жойларда қонунчилик талаблари қай даражада таъминланаётгани монито-ринг қилинмоқда ва бу борада Марказий сайлов комиссиясига қунилик ахборот берилмоқда.

— Сайлов жараёнининг очик ва ошқоралигини таъминлаш учун сайлов комиссиялари қандай чора-тадбирлари кўрмоқда?

— Мамлакатимизда демократик сай-ловларни ташкил этиш яширин овоз беришга асосланган бўлиб, қолган бар-ча жараёнлар очиклик, ошқоралик ва транспарентлик асосида ўтказилади. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга муво-фиқ, сайлов комиссиялари фуқаролар-ни сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича ўз фаолияти билан таништириб боради. Сайлов комис-сиялари тўзилгани, улар жойлашган манзил ва уларнинг иш вақти ҳақида маълум қилади. Сайловчилар рўйхати, сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар рўйхати, Ўзбекистон Респу-бликаси Президентлигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар билан таништиради, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қилади.

Сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишга доир тадбирларда, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш ҳоналарида ва овозларни са-наб қиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар қўрсат-ган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Сайлов жараёнининг очик ва ошқо-ралигини таъминлашда оммавий ахбо-рот воситалари муҳим ўрин тутади. Президент сайлови бўйича 2016 йилги сайлов кампаниясини ҳар томонлама ҳолис ёритиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон Мил-лий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон»,

«Uzreport» ахборот агентликлари, Элек-трон оммавий ахборот воситалари миллий ассоцияцияси ўртасида икки томонлама битимлар имзоланди.

Президент сайловини ёритиш бўйи-ча Республика матбуот маркази, шу-нингдек, округ сайлов комиссиялари ҳузурида ҳам шундай матбуот марказ-лари фаолияти йўлга қўйилган. Мар-казий сайлов комиссияси томонидан хорижий ва миллий оммавий ахборот воситаларининг 500 дан ортиқ вакили, округ сайлов комиссиялари томонидан қарийб 560 нафар маҳаллий журналист аккредитациядан ўтказилди.

Марказий сайлов комиссиясининг барча қарорлари, низоом ва йўриқно-малари қабул қилинган қуннинг ўздаёқ комиссиясининг www.elections.uz манзи-ли бўйича расмий веб-сайтига ўзбек, рус ва инглиз тилларида жойлаштири-лаётгани, шунингдек, сайлов кампания-си билан боғлиқ маълумотлар, янги-ликлар, матбуотда ва ахборот агент-ликларининг веб-сайтларида долзарб мавзуга оид эълон қилинган мақола-лар, фото ва видеоматериаллар, эфир-га узатилган интервью ва қўрсатувлар, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ва уларнинг хабар-дорлигини оширишга қаратилган ро-ликлар, чоп этилган сайлов мавзусига оид рисоалар сайтнинг тегишли бўлимларида акс этгани сайлов жара-ёнининг очиклиги ва ошқоралиги таъминланаётганлигининг яна бир ёркин далилидир.

Марказий сайлов комиссияси дас-турига мувофиқ, округ ва участка сай-лов комиссиялари, шунингдек, хотин-қизлар, ёшлар, нурунийлар, имкония-ти чекланган шахслар, ҳарбий хизмат-чилар, фуқароларнинг ўзини ўзи бош-қариш органлари, меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари вакиллари, журна-листлар учун мавзуга оид семинарлар ўтказилмоқда. Бу миллий сайлов қонун-чилигига киритилган сўнгги ўзгартиш-лар, сайлов комиссиялари олдида турган вазифалар, оммавий ахборот воситалари иштирокида сайлов жара-ёнининг очик ва ошқоралигини таъмин-лаш вазифалари ҳақида уларнинг хабардорлигини оширишга ёрдам беради.

Мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракат-лар самарасида сайлов кампанияси бошлангандан бери мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида бу мав-зуда 9 минг 900 дан ортиқ, хорижий оммавий ахборот воситаларида 800 дан зиёд материал эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қўриш, уни ў

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи барча сайлов округларида 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловга миллий қонунчилигимиз талаблари ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига мувофиқ, қизгин ҳозирлик кўрилмоқда.

4 ДЕКАБРЬ — САЙЛОВ КУНИ

Хусусан, участка сайлов комиссиялари томонидан сайловчиларнинг рўйхатини тузиш ишлари олиб борилаётир. Сайловларни ўтказиш даврида сайловчиларни рўйхатга олиш жараёнининг аҳамияти нисбатда катта. Ҳар бир мамлакатнинг сайловга оид қонун ҳужжатлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу сайловчиларни рўйхатга олиш масаласига ҳам тааллуқлидир.

“Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”-ги Қонуннинг 8-моддасида “Сайлов кунига қадар ёки сайлов кунидан 18 ёшга тўладиган, тегишли сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб турган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритилиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин”-лиги ҳақидаги қонда мустаҳкамлаб қўйилган фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини, уларнинг ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ҳамда миллий мансублиги, жинси, маъмулоти, тили, динга

Сайловчилар рўйхати — фуқаролар сайлов ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим кафолати

рўйхатга олиш деб айтишимиз ҳам мумкин.

Халқро ҳужжатларга асосан, тўлиқ, шаффоф, кенг қамровли ва сайловчиларнинг аниқ реестри таъминланган тақдирда у тизим ҳам, бу тизим ҳам мақбул ҳисобланади.

Ҳўш, бизнинг миллий сайлов қонунчилигимиз сайловчиларни рўйхатга олишнинг қандай тизимига асосланади?

Ўзбекистонда миллий сайлов қонунчилиги халқро ҳужжатларда эътироф этилган сайловчиларни рўйхатга олишнинг пассив, яъни мажбурий тарзда рўйхатга олиш тизимига асосланади. Бироқ бу сайловчиларнинг сайловга келиши мажбурий, дегани эмас. Чунки сайловчиларнинг сайловда иштирок этиши унинг конституциявий ҳуқуқи ҳисобланади. Фуқаронинг сайловга келиши ёки келмаслиги ихтиёрийдир. Айрим мамлакатларда фуқаролар сайловга келмаслиги маъмурий жавобгарликка сабаб бўлишдан келиб чиқадиган бўлсак, миллий сайлов қонунчилигимиз демократик тамойилларга нечоғли мувофиқлигини кўришимиз мумкин.

Айниқса, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг халқро сайлов стандартларида белгиланган сайловчилар рўйхатини аниқ ва тўғри тузишга оид талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2015 йил 3 феврал-

даги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича участка сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомда тегишли ҳудудда яшовчи сайловчилар тўғрисида маълумотлар олинган, участка сайлов комиссияси сайловчилар тўғрисида ҳокимликлар берган маълумотларнинг тўғрилигини уларга бориш, яъни хонадонларни бирма-бир айланиб чиқиш орқали текширади ва сайловчилар рўйхатини аниқлаштириши белгиланган қўйилганлиққа сазовор. Албатта, участка сайлов комиссияси томонидан бундай тадбирнинг ўтказилиши сайловчилар рўйхатининг тўғри ва аниқлигини, шунингдек, унинг ишончли бўлишини таъминлайди.

Ушбу тизим амалда барча сайловчиларни қамраб олади, уларнинг овоз бериш ҳуқуқини таъминлайди, сайлов кунини овоз беришдаги сохталарни ва суиистеъмолликларнинг олдини олиш имконини беради. Чунки ҳар бир сайловчи шахсан овоз беради, бошқа кишилар учун овоз беришга йўл қўйилмайди. Сайлов бюллетенларини тегишли сайлов комиссияси сайлов участкасидаги сайловчилар рўйхати асосида паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат кўрсатилган беради. Ҳар бир сайловчи сайлов бюллетени олгани ҳақида сайловчилар рўйхати

тидаги ўз фамилияси рўпарасига имзо қўяди. Бундан ташқари, сайловчилар рўйхати келгусида овозларни ҳисоблаб чиқиш ҳамда сайловнинг ўтган ёки ўтмаганини аниқлаш, сайловчиларнинг, умуман, мамлакат бўйича ва округлардаги сонини аниқ белгилаш имконини беради. Маълумки, сайлов, агар унда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг 33 (ўттиз уч) фоизидан камми иштирок этган бўлса, ўтмаган деб топилади.

Муайян миқдордаги сайлов бюллетенлари чоп этилиб, сайлов округлари ва участкалари тақсимланганда ҳам сайловчилар рўйхати асосида аниқланган сайловчиларнинг сони ҳақидаги маълумотлар аҳамиятлидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сайловчиларни рўйхатга олиш, аввало, фуқароларнинг фаол сайлов ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш учун амалга оширилади. Сайлаш ҳуқуқига эга бўлган шахсларни сайловчилар рўйхатларига киритмаслик фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқини бузиш ҳисобланади. Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро участка сайлов комиссиясидан ўзини сайловчилар рўйхатига киритиш талаб қилишга ҳақлидир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасига мувофиқ, “Жиноят содир этганликда айбонанган ҳар бир шахсининг уни судда қонуний тартибда, ошқорра кўриб чиқиби, унинг айби аниқ-

ланмагунча у айбдор ҳисобланмайди”. Яъни айбисизлик презумпцияси қатъий таъминланади. Ушбу қоида қамқода сақлаш жойларида сақланаётган шахсининг айбдор эмаслигини белгилайди. Айнан ушбу конституциявий қоида талабларидан келиб чиқиб, сайлов қонунчилигида 2015 йил 29 декабрда киритилган ўзгаришларга асосан, қамқода сақлаш жойларида ҳам овоз бериш ташкил этилиши мумкин. Қамқода сақлаш жойларидаги шахсларнинг сайлаш бўйича конституциявий ҳуқуқини рўёбга чиқариши назарда тутилган ушбу қоидалар фуқаролар сайлов ҳуқуқларини амалда тўлиқ кафолатлашга хизмат қилади.

Шунинг учун “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасида қамқода сақлаш жойларида сайлов участкалари тузилиши мумкинлиги ва унинг 23-моддасида сайловчиларнинг рўйхатлари сайловдан ўн беш кун олдин, Ўзбекистон Республикасининг хориқий давлатларида, қасалхоналар ҳамда бошқа доимий ишлайдиган даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган жойларда, қамқода сақлаш жойларида тузилган сайлов участкаларида эса сайловдан икки кун олдин ҳамма-нинг танишиб чиқиши учун тақдим этилиши белгилаб қўйилди.

Шуниси эътиборлики, фуқаро-

ларга участка сайлов комиссиясининг биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш ва унинг тўғри тузилганини текшириш имкони таъминланади.

Ҳар бир фуқаро рўйхатга киритилмаганлик, нотўғри киритилганлик ёки рўйхатдан чиқарилганлик юзасидан, шунингдек, рўйхатда сайловчи тўғрисидаги маълумотларни кўрсатишда ноаниқликка йўл қўйилганлик ҳусусида шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Бу масалага доир аризани участка сайлов комиссияси кечи билан йигирма тўрт соат ичиде, сайлов арафасида ва сайлов кунини эса дарҳол кўриб чиқиб, рўйхатга зарур тўзатишлар киритиши ёки аризага унинг талаби инобатга олинмаганлиги тўғрисидаги асосланганлиги қарорининг бир нусхасини бериши шарт. Комиссия қарори устидан туман (шаҳар) судига сайловдан кечи билан уч кун олдин шикоят қилиниши мумкин, туман (шаҳар) суди шикоятни йигирма тўрт соат ичиде кўриб чиқишга мажбур. Туман (шаҳар) судининг қарори қатъийдир. Участка сайлов комиссияси суднинг қарорига мувофиқ сайловчиларнинг рўйхатига дарҳол тўзатиш қиларида.

Сайлов қонунчилигимизда сайловчилар рўйхатини умумэътироф этилган демократик стандартларга мувофиқ ҳолда, очик ва ошқорра тузилиши белгилаб қўйилган фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш билан бир қаторда, юртимизда ҳар бир фуқаронинг овози ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини амалда намоён этади.

Абдулмонноб РАХИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг катта эксперти.

Она заминимиз мева-сабзавотлари — юқори сифатли ва харидорғир

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги тараққий топган, экспорт салоҳияти ортиб бораётган ишончли ва стратегик ҳамкоримиздир, — дейди Россия Федерацияси қишлоқ ҳўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Евгений Громико. — Чунки юртингизда йил давомида пишиққилич мавсуми. Бу чет эллик ҳамкорларга исталган вақтда сархил ноз-неъматлар етказиб бериш имконини мавжудлигини кўрсатиб турибди. Шу боис ўзбекистонлик фермер ва тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилиш, мева-сабзавот маҳсулотлари сотиб олиш ҳажмини янада оширишга алоҳида аҳамият қаратаймиз. Бугунги тадбир эса давлатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш, янги ҳамкорлар топишга хизмат қилишига ишончим комил.

Айтиш керакки, юртимизда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида таркибий ўзгаришлар чуқурлаштирилиб, озик-овқат эканлари эканлигини майдонлар босқичма-босқич равишда кенгайтирилмоқда. Амалиётга илгор агротехнологиялар жалб этилиб, интенсив боғлар барпо қилинаётир. Бунда мамлакатимиз Биринчи Президентининг 2016 йил 12 апрелдаги “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори катта туртки бўлди.

Ҳа шундаки, унга биноан, наинки мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ҳамда узум етиштириш ҳажмини ошириш, балки сотиб олиш, сифатли сақлаш, саноат корхоналарини хом ашё билан барқарор таъминлаш, экспорт қилиш бўйича ўзига хос янги тизим яратилди. Қолавер-

тиб кетган намоиш бурчакларидан кетгин келмайди. Зеро, бу ерга таширф бюрган киши ўзини савий куз сепини ёйган ўлкамиз боғ-роғларини полиз-сабзавот пайкалларига тушиб қолгандек ҳис этади, гўё.

Ярмаркада иштирок этиб, Ўзбекистон нафақат мева-сабзавот етиштириш, балки уни бирламчи ва чуқур қайта ишлаш бўйича бой тажрибага эга эканлигига яна бир қарра ишонч қилибди, — дейди Хитойнинг “Jiujie Silk” компанияси раҳбари Жу Лиан. — Намоишга қўйилган маҳсулотларнинг ташқи

шарт-шароитлар яратилган. Вилотлар бўлмаганда эса ҳар бир ҳудудда етиштирилаётган ноз-неъматлар, уларни сифатли сақлаш, буюртмачиларга етказиб бериш бўйича яратилган тизим ҳақида ахборотлар тақдим этилапти. Айниқса, пойтахт вилояти миришкорлари учун ажратилган жой одамлар билан гапхум. Вилот ҳокимлигининг ҳудудлари комплекс ривожлантириш йўлға ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Юньсун Ёкубоновнинг билдиришича, фермер ҳўжаликлари томонидан етиштирилган ноз-неъматлардан ташқари, мева-сабзавотни қайта ишлашга ихтисослаштирилган 70 та корхона маҳсулотлари намуналари кенг намоиш этилмоқда. Паркент узумлари, Янгийўл қўқатлари, Қибрай ва Зангиота помидор ҳамда бодирингли хориқликларда катта қизиқиш уйғотапти. Шунингдек, сархил ва қуритилган меваларга ҳам талаб катта. Шулар инобатга олинган ҳолда, жорий йил якунига қадар 250 миллион АҚШ долларини қийматдаги маҳсулотлар экспорт қилиниши кутилаётир.

Ярмарка дастури ранг-баранг бўлиб, унинг доирасида хориқлик мутахассис ва меҳмонлар учун вазирлик ҳамда давлат ташкилотлари, вилот ҳокимликларининг тақдимотлари ўтказилмоқда. Бу эса мамлакатимизнинг боғдорчилик, сабзавот-полизчилик жабҳасидаги юксак салоҳияти билан яқиндан танишиш, маҳсулот етиштирувчи ва қайта ишловчилар билан узок муддатли, истиқболли ҳамда узаро манфаатли муносабатлар ўрнатиш учун айни мўддаодир.

Ў Халқро мева-сабзавот ярмаркасининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розукулов сўзга чиқди.

Сонд РАХМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Хосан ПЎЙДОВ олган суратро.

бир ҳудуднинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳияти аниқлангани ҳолда, тармоқларро кооперацияни ривожлантириш, савдо-сармоявий ҳамкорлар сифини кенгайтириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Ярмарканинг иккинчи босқичи эса Ўзбекистонимиз мева-сабзавотчилик жабҳасидаги ютуқларининг чинакам намоиш-ишга айланди. “Ўзэкспомарказ” мажмуасининг тўртта павильони фермер ва деҳқон ҳўжаликлари, агрофирма ҳамда кичик бизнес субъектларининг маҳсулотлари билан лиқ тўлган. Боғ ва дала неъматларининг хуш бўйлари ту-

кўриниши, сифати, қадокланиши бизга жуда маълум. Мазасига эса таъриф йўқ. Шахсан менга олма, анор, хурмо ва узум жуда ёқди. Тадбир давомида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, катта миқдорда мева-сабзавот маҳсулотлари сотиб олиш юзасидан шартномалар имзолаш ниятидамиз.

Кўргазма залларида чет эллик харидорлар, экспортёрлар учун тақдим этилаётган ноз-неъматлар билан яқиндан танишиш, зарур маълумотлар олиш, фермер ва деҳқонларимиз билан тўғридан-тўғри кооперация алоқаларини ўрнатиш учун зарур

Ўзбекистонда Туркманистон маданияти кунлари бошланди

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

“Дўстлик ва биродарлик йўлларимиз кенгайсин!” — Бу — нафақат халқларимиз кўнглидаги ҳитоб, балки Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида бўлиб ўтган Туркменистон маданияти кунлари очилиш маросимининг номи ҳамдир. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Ф. Жалолов, Туркменистон маданият вазирини ўринбосари А. Шомуродов ва бошқалар халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик алоқалари барқарор ривож топаётгани, бунда маданий соҳадаги ришталар муҳим ўрин тутилиши таъкидлади.

Адабий-музикаий тадбирда томошабинлар туркменистонлик қардошларимизнинг бой музикаий мероси намуналарини баҳраманд бўлди.

Концерт “Дехистон” рақс ансамблининг миллий рақс дастури билан бошланди. Туркменистон

халқ артистлари Парахат Шихимов, Какадурди Тожимов, Какагелди Чориев, Шагули Аллабердиев ва Акжагул Ананова ижросидаги туркман миллий куй-қўшиқлари ўзбек тингловчиларига манзур бўлди. Концертада “Сохибжамол”, “Маралим”, “Сумбар куйи” каби туркман халқ қўшиқлари, “Гўрўғли”, “Тоҳир ва Зухра” достонларидан парчалар томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Туркменистон маданияти ва санъати усталари иштирокидаги гала-концерт “Қадрдон қардош” қўшиғи билан якунланди. Туркман миллий куй-қўшиқлари ҳамюртларимизга ҳушқайфият бағишланди.

— Ўзбек халқи — менинг акам, укам, синглим, қариндошим, — дейди Туркменистон халқ артисти, бахши Парахат Шихимов. — Биз-

нинг санъатимиз, фольклоримизда ҳам шундай яқинлик бор. Концертада қўйланган “Гўрўғли”, “Тоҳир ва Зухра” достонларидан парчаларнинг ўзбек санъат ихлосмандлари томонидан илқик қутиб олиниши ана ўша яқинлик, биродарлик нишонасидир.

— Туркменистонда ўзбек адабиёти севиб ўқилади, — дейди “Дунё адабиёти” журнали масъул котиби Екатерина Гелдимуродова. — Муштарийларимиз талабига кўра, шу йил журналимизда Мирқарим Осимнинг “Темур Малик” асарини қон этдик. Фестиваль на-тижасида ўзбек — туркман ёзувчи ва шоирларининг адабий ришталари мустаҳкамлангани, икки халқ адабиётининг қилинаётган таржима асарларининг қўлама ва сифати орттишидан умидворимиз.

саройида туркман кинофильмлари намоиши ташкил этилади.

Туркменистон делегацияси Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари — Темурийлар тарихи Давлат музейи ва “Ўзбекистон” халқро анжуманлар саройи билан танишиши, “Ҳазрати Имом” мажмуасини зиёрат қилиши кўзда тутилган.

Севара АЛИЖОНОВА, ЎЗА мухбири.

Кўчат экиб, боғ ярат

Юртимизда яшил ҳудудларни янада кенгайтириш, ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш борасида жуда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилаётир. Мазкур йўналишдаги тадбирларда, айниқса, ёш авлод вакиллари фаол иштирок этаётгани уларда она табиятга нисбатан ижобий муносабатни шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда.

АКЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси “Давбионазорат” инспекцияси ташаббуси билан Республика олимپици захи-ралари теннис мактабиде “Кўчат экиб, боғ ярат!” шиори остида ташкил қилинган экологик акция айни шу жиҳатдан аҳамиятлидир. Унда қўмита масъул ходимлари, теннис мактаби ўқитувчи ва ўқувчилари, ота-оналар, маҳал-

ла фаоллари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

— Ушбу акцияни ўтказишдан асосий мақсад таълим муассасалари бинолари атрофини ободонлаштириш, шу орқали халқимизга хос эзгу ғазилатларни ёшлар онгига сингдиришларни иборатдир, — дейди “Давбионазорат” инспекцияси мутахассиси Жамшид Шакарон. — Тадбирда 70 нафардан ортиқ ёш

ҳашарчилар қўллаб арна қўчатлари экиб, ҳудудни тартибга келтириш, қўқаламзорлаштириш юмушларига муносиб ҳисса қўшилиб.

Таъкидлаш керакки, теннис мактабиде ҳашар уюштириш аънаънага айланган. Хусусан, мазкур масканга илк бор қабул қилинган ҳар бир ўқувчи қўчат ўтказиб, уни ўқишни тамомлагу-нича ўзи парваришлаши этиб-борга лойиқдир.

— Бу каби тадбирлар биз ёшларни она табиятни асраб-авайлашга ўргатади. Шу боис уларда фаол қатнашишга ҳаракат қиламиз, — дейди мактаб ўқувчиси Аслиддин Ҳўжаназаров. — Зеро, юртимиз яшил бойлиги ва табиятимиз ўзгаллигига ҳисса қўиши бурчимиздир.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

«Atlantic-gulf group» МЧЖ

очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

«Atlantic-gulf group» МЧЖ Самарқанд филиалида 2016 йил 7 декабрь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган аукцион савдосига «Асака» АТБ бошқарувининг 2016 йил 11 майдаги 216-82-сонли қарори ва «Асака» АТБ Самарқанд вилояти филиалининг 2016 йил 31 октябрдаги 03/4555-сонли хатига асосан, Самарқанд шаҳри, Бедел кўчаси, 19-уйда жойлашган, ер майдони 23633,70 кв. м., қурилиш ости майдони 10074,14 кв. м., фойдаланиш майдони 8046,44 кв. м. бўлган ишлаб чиқариш фабрикаси бино-иншоотлари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 4 444 544 000 сўм.

Талабгорлар диққатига!

Ушбу кўчмас мулклар аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уларни сотиш бўйича такрорий аукцион савдоси 2016 йил 23 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Мазкур кўчмас мулклар билан «Асака» АТБ Самарқанд вилояти филиали вакили иштирокида

ТОҒ-КОН УСКУНАЛАРИ

11-халқаро кўргазмаси

МЕТАЛЛУРГИЯ. МАШИНАСОЗЛИК. УСКУНАСОЗЛИК

9-Марказий Осиё халқаро кўргазмаси

ТРАНСПОРТ ва ЛОГИСТИКА

13-халқаро кўргазмаси

2016 йил, 16 — 18 ноябрь

Ўзбекистон, Тошкент ш., «Ўзэкспомарказ».

miningworld

MACHINERY

TRANS

ITE Uzbekistan

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси

Қўмита аъзоси А. Махматмуродовага отаси

ЎЛМАС отанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жамоаси собиқ молия вазирини

Йигит Исаевич МАМАТИСАЕВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

1611/11

**XALQ BANKI**

Кейинги йилларда мамлакатимизни
ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича
чқур ўйланган тадрийий тараққиёт

дастури изчил амалга оширилаётгани жаҳон бозоридаги кескин ўзгариш ҳамда
бекорорликнинг иқтисодийтимизга салбий таъсирини сезиларли даражада қамайтириш
имконини бермоқда. Пировардида барча жабҳада юқори ўсиш суръатларига
эришилапти.

Хусусан, Ўзбекистон банк тизимидаги ислохотлар самараси юртимиз молия
муассасалари ликвидлиги, ресурс базаси янада мустаҳкамланиб, аҳолининг уларга
бўлган ишончи тобора ошиб бораётганида яққол кўзга ташланади. Бунда соҳа равнақи
йўлидаги изчил янгиланишлар муҳим асос бўлиб хизмат қилаётир.

ТЕНГ МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда

Республикамызда йирик инвестициявий лойиҳалар рўёбида акциядорлик тижорат Халқ банкининг ҳам муносиб ўрни бор. Ўз навбатида, аграр секторни ривожлантириш, қишлоқ жойларда яшовчи аҳоли турмуш шaroитини юксалтиришга доир устувор вазифалар ижроси мазкур молия муассасасининг алоҳида диққат-эътиборида. Шундан келиб чиқиб, банк жамоаси жорий йилда юртимизда чорвачилик равнақиға қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш ҳисобига ички истеъмол бозорини арзон ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш пайидан бўлаётир.

Бу борада белгиланган вазифалар ижроси натижасида шу йилнинг ўтган даврида 2548 та лойиҳага жами 269,6 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди. Шундан 57,0 млрд. сўмлиги хориждан насли қорамоллар харид қилишга қаратилган 282 та лойиҳа ижросига йўналтирилди. Бунинг ҳисобидан 7726 нафар кишининг бандлиги таъминланди.

Кувонарли жиҳати, банк кўмагида ўз бизнесини йўлга қўйиб, аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжини таъминлаётган юртдошларимиз сафи тобора кенгаймоқда. Улар молия муассасаси билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришдан манфаатдор.

— Чорва — барака манбаи, — дейди Наманган вилоятининг Учкўрғон туманида фаолият юритаётган тадбиркор Абдувахоб Дадажонов. — Чунки гўшт ва сут маҳсулотлари дастурхонимиз файзи, саломатлигимиз гаровидир. Шуларни ўйлаб, мазкур йўналишда иш бошлашга қарор қилдик. Даставвал, истеъмолчилар эҳтиёжи, ички бозор талабини ўрганиб чиқдик. Сўнг пухта бизнес-режа тўздик. Уни муваффақиятли амалга оширишимизда Халқ банкининг Учкўрғон филиали мададкор бўлди. Мурожаатимиз қисқа муддатда қўриб чиқилиб, жорий йилнинг май



ойида фермер хўжалигимизга имтиёзли шартлар асосида 500 миллион сўмлик кредит ажратилди. Ушбу маблағ эвазига “Вилоятнаслхизмат” корхонаси кўмагида Австрия давлатидан 60 бош насли қорамол сотиб олдик.

Хозир жамоамиз билан биргаликда уларни белгиланган рацон асосида парваришляпмиз. Натижада сут етиштириш ҳажми ортиб, у аҳоли ҳамда қайта ишлаш корхоналарига етказиб берилаяпти. Шу ҳисобдан мўмай даромад олишга ҳам эришдик.

Келгусида сут ва гўшт етиштириш билангина чекланиб қолмоқчи эмасмиз. Уларни хўжалигимизнинг ўзида қайта ишлашни йўлга қўйиш — устувор мақсадимиз. Бунда Халқ банки билан ҳамкорлигимиз кўл келишига ишончимиз комил.

Албатта, имконият — муваффақият омили. Шу маънода, бугун бозорларимиз тўқинлигига ҳисса қўиш истагидаги ишбилармонларимиз давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани эътиборга лойиқдир. Масалан, шу йилнинг ўтган даврида хориждан насли қорамоллар олиб келиш билан шуғулланаётган “Наслхизмат” уюшмаси таркибидаги 18 та ҳудудий насличилик корхонаси ҳисоб рақамлари Халқ банки филиалларига ўтказилди. Шунинг

ўзиёқ бу йўналишда юртдошларимизга катта амалий ёрдам қўрсатилаётганидан далолат беради. Зеро, халқимиз азалдан меҳнатсеварлиги, миришкорлиги билан ном қозонган. Айниқса, қишлоқ жойларда умргузаронлик қилаётганлар чорвачилик, паррандачилик билан шуғулланиб, қўшимча даромад олишга, бу орқали оиласига ҳам, элу юртга ҳам наф келтиришга одатланишган. Ахир сут-қатиқ, ёғ ва гўшт каби қўндалик эҳтиёж учун зарур тансиқ неъматлар ўзингиздан чиқиб турганига нима етсин?! Ортгани эса ҳамёнингизни тўлдиради. Мухими, бугун мазкур сердаромад тармоқлар нафақат хонадонлар, балки фермер хўжаликларининг ҳам асосий фаолият йўналишига айланган. Уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга Халқ банки ходимлари ҳаммиса шай.

Жумладан, мазкур молия муассасаси томонидан насли қорамоллар келтириш учун Қашқадарё вилоятидаги “Шомурот ота” фермер хўжалигига 500 млн., “Сара чорва барака” масъулияти чекланган жамиятига 300 млн., Хоразм вилоятидаги “Қаландар Сапаев” фермер хўжалигига 450 млн. сўмлик кредитлар берилди. Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Буларнинг барчаси Халқ банки

юртдошларимизнинг яқин кўмакчиси, ишончли ҳамкорига айланиш улгурганини исботлайди.

— Изланиш, янгилликка интилиш тадбиркорликнинг муҳим талабидир, — дейди фарғоналик тадбиркор Салимжон Қодиров. — Шу боис хориждан насли қорамоллар келтириб, чорвачилик йўналишига ихтисослаштирилган фермер хўжалигини ташкил этишга аҳд қилдим. Бу қароримни Халқ банкининг Тошлоқ тумани филиали жамоаси ҳам

маъқуллади. Шу тариқа истиқболли лойиҳам 960 млн. сўмлик кредит ҳисобига молиялаштирилди. Бизнес-режам муваффақиятли амалга ошди. Хозирги кунда ишни самарали йўлга қўйиб олганмиз. Чорвамиз бош сони кўпаймоқда. Харидорларга нисбатан арзон нархларда сифатли гўшт ва сут маҳсулотлари етказиб берапмиз. Бундан туманимиз аҳли ҳам, жамоамиз ҳам хурсанд.

— Бугун юртимизда ишбилармонлар учун барча имконият муҳайё қилинган, — дейди Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги “Жамол ота” фермер хўжалиги раҳбари Аъзамхўжа Жамолов. — Тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатлари тўлиқ кафолатланган. Фаолиятимизда ҳеч қандай тўсиқ ва говларга дуч келаётганимиз йўқ. Ақсинча, давлатимиз бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турибди. Бир пайтлар ҳаёлимизда ҳам келмаган имтиёзлардан баҳраманд бўлапмиз. Хар қайси соҳа, ҳар қайси тармоқда бўлганидек, чорвачилик йўналиши ривож ҳам сармоа билан чамбарчас боғлиқ. Айниқса, бу жабҳада тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлганлар учун бошлангич маблағ сув ва ҳаводек зарур. Шунга қарамай, ишимиз бир зумда битаяпти. Мамлакатимиз банклари ишбилармонларнинг энг яқин кўмакчиларига айланган. Ўзимдан қиёс. Фермер хўжалигимизнинг чорвачилик йўналишидаги фаолиятини кенгайтириш учун шу йили Халқ банкининг Янгийўл филиалига мурожаат қилиб янглишмаган эканман. Молия муассасаси мутасаддилари лойиҳамни қўриб чиқишди. Йўл-йўриқ ва тавсиялар беришди. Мухими, кўп ўтмай 600 млн. сўмлик имтиёзли кредитга эга бўлдим. Шу ҳисобдан хориждан насли қорамоллар сотиб олдик. Галдаги мақсадим аниқ: юртдошларимиз дастурхони файзига файз қўиш.

Дарвоқе, мутахассислар чорвачиликда эчки парваришини йўлга қўйиш сердаромад йўналиш, деб ҳисоблайдилар. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, эчки жуни саноатбоп хом ашё ҳисобланса, сути минг дардга даво бўлиши халқ табибатида ҳам, замонавий тиббиётда ҳам аллақачон ўз исботини топган. Бинобарин, гўшти хуштаъмлиги билан ажралиб туради. Шунини инобатга олган Халқ банки жамоаси мазкур йўналишда иш бошлаш ёки фаолиятини кенгайтириш истагидаги юртдошларимизга ёрдам қўлини чўзмоқда. Натижада ўтган даврда Франция, Германия, Россия ва Чехия давлатларидан жами 7260 бош эчки сотиб олиш учун молия муассасаси томонидан 13 млрд. 987 млн. сўмлик тенг 9 та импорт шартномаси тузилди. Жорий йилнинг ўзида эса мазкур йўналишда 125 та лойиҳа 13,7 млрд. сўм миқдоридаги кредит маблағи ҳисобидан молиялаштирилди. Шундан, четдан 4815 бош насли эчки олиб келиш учун 27 та лойиҳага 7,3 млрд. сўм кредит ажратилди. Натижада саноатбоп жун етиштириш мақсадида 804 бош ҳамда шифобахш сут етиштириш учун 300 бош насли эчки хориждан олиб келинди. Ҳадемай, улар сонини яна 2175 бошга кўпайтириш кўзда тутилгани, бу орқали 78 та иш ўрни яратилиши ҳам қувонарли жиҳатдир.

— Эчки озуқа танламайди ва тез семиради, — дейди Бухоро вилоятининг Шофиркон туманидаги “Ғалаба” насличилик ширкат хўжалиги раҳбари Муродилла Ҳакимов. — Касаликка чидамли. Энг муҳими, алоҳида емиш ёки парвариш талаб қилмайди. Шуларни ўйлаб, Халқ банкининг Шофиркон филиалига чорвачиликни ривожлантириш учун 78 миллион сўмлик кредит маблағи ажратилишини сўраб, ариза топширдим. Мурожаатим қисқа муддатда қўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилди. Берилган сармоа ҳисобига чет элдан 153 бош насли эчки сотиб олдик. Бу — ҳали бошланиши. Хозир ишимиз жадал ривожланмоқда. Бешта янги иш ўрни ҳам яратдик. Келгусида олган кредитимни ўз вақтида қайтариб, банк билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ниятдаимиз.

Халқимизда “Интилганга толе ёр” деган ибратли нақл бор. Бунини Халқ банки жамоаси қўндалик шioriға айлантириб, миқозлар ишончини қозонишга, шунингдек, мамлакатимиз иқтисодий равнақиға, юртимиз ободлигига муносиб ҳисса қўишга астойдил ҳаракат қилмоқда. Зеро, интилиш ташаббусга, ташаббус эса тараққиётга бошлайди.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

«Atlantic-gulf group» МЧЖ

очиқ аукцион савдосига
таклиф этади.

«Atlantic-gulf group» МЧЖ Андижон филиалида 2016 йил 18 ноябрь куни соат 11.00 да бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

I. Пахтаобод тумани СИБ томонидан ФИБ Избоскан туманлараро судининг 2015 йил 8 июлдаги 2020-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Пахтаобод тумани, «Маданият» ҚФЙ, «Маданият» МФЙ ҳудудида жойлашган, қурилиш майдони 1442,26 кв. м. бўлган молхона бино-иншоотлари.

Бошлангич баҳоси — 80 750 000 сўм.

II. Хўжаобод тумани СИБ томонидан Андижон вилояти хўжалик судининг 2015 йил 18 сентябрдаги 17-1508/11333-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Хўжаобод тумани, Бобур номидаги МФЙ, Дўстлик кўчаси, 1-уйда жойлашган, «Хўжаобод МТП» АЖга тегишли:

1. Қурилиш майдони 152,52 кв. м. бўлган 3-ли-тердаги қозонхона.

Бошлангич баҳоси — 27 168 750 сўм.

2. Қурилиш майдони 889,38 кв. м. бўлган Л-ли-тердаги техник хизмат кўрсатиш биноси.

Бошлангич баҳоси — 143 462 239 сўм.

III. Асака тумани СИБ томонидан ЖИБ Асака тумани судининг 2014 йил 16 октябрдаги 1-342-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Асака тумани, Бурхониддин Марғиноний кўчасида жойлашган, қурилиш майдони 355,25 кв. м. бўлган, қурилиши тугалланмаган 2 қаватли бино.

Бошлангич баҳоси — 234 862 264 сўм.

IV. Балиқчи тумани СИБ томонидан:

1. ФИБ Избоскан туманлараро судининг 2016 йил 15 февралдаги 96-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Балиқчи тумани, «Хўжаобод» ҚФЙ, «Гузар» МФЙ ҳудудида жойлашган, қурилиш майдони 223,77 кв. м. бўлган уй-жой.

Бошлангич баҳоси — 143 858 672 сўм.

2. Андижон вилояти хўжалик судининг 2015 йил 5 августдаги 17-1503/11961-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Балиқчи тумани, «Балиқчи» ҚФЙ, «Ўртақўрғон» МФЙ ҳудудида жойлашган, қурилиш майдони 298,68 кв. м. бўлган, «Ғалаба агротех-сервис» ММТП МЧЖга тегишли, А-литердаги 2 қаватли маъмурий бино.

Бошлангич баҳоси — 136 451 265 сўм.

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлардан аризалар иш қунари соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва 2016 йил 16 ноябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар кўчмас мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Atlantic-gulf group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Сергели филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000200617990003, МФО: 01042, СТИР: 303937373.

Манзил: Андижон шаҳри, Миллий тикланиш кўчаси, 36-уй, 3-қават.
Телефон: (0-374) 228-46-16.

Хизматлар лицензияланган.

O'ZSANOATQURILISHBANK

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ

2017 йил 1 январь ҳолатига асосий воситаларни қайта баҳолаш мақсадида мулкни баҳоловчи ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади.

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй. Телефонлар: (0-371) 120-45-00, 120-45-21. Ички телефон: 10-94.

Нархлари кўрсатилган тижорат тақлифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда, 2016 йил 17 ноябрь куни соат 18.00 гача қабул қилинади.

Хизматлар лицензияланган.

«Atlantic-gulf group» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

«Atlantic-gulf group» МЧЖ Андижон филиалида 2016 йил 9 декабрь куни соат 11.00 да бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган аукцион савдосига Андижон тумани СИБ томонидан ФИБ Хўжаобод туманлараро судининг 2016 йил 9 июндаги 1-922-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Андижон тумани, «Хакан» ҚФЙ, Огуллик маҳалласида жойлашган, қурилиш майдони 90 кв. м. бўлган новвойхона қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 50 000 000 сўм.

Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2016 йил 7 декабрь куни соат 17.00.

2016 йил 25 ноябрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Андижон тумани СИБ томонидан Андижон вилояти хўжалик судининг 2013 йил 28 октябрдаги 17-1302/10217-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Андижон тумани, Куйганёр шаҳарчаси, Дарёбуйи кўчаси, 39-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 100,8 кв. м., 0004-литердаги

бир қаватли омборхона тақоран қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 15 243 921 сўм.

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлардан аризалар иш қунари соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва 2016 йил 23 ноябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар кўчмас мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Atlantic-gulf group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Сергели филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000200617990003, МФО: 01042, СТИР: 303937373.

Манзил: Андижон шаҳри, Миллий тикланиш кўчаси, 36-уй, 3-қават.
Телефон: (0-374) 228-46-16.

Хизматлар лицензияланган.

«Kim oshdi savdo servis» МЧЖ

бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.



Аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

I. Хонқа тумани СИБ томонидан ФИБ Урганч туманлараро судининг 2015 йил 17 декабрдаги 4838-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 90 X 925 ЕА бўлган, «ГБА СІР Lacetti» русумли.

Бошлангич баҳоси — 37 500 000 сўм.

Манзил: Хонқа тумани, Нафосат кўчаси, 30-уй.

II. Хонқа тумани СИБ томонидан ФИБ Урганч туманлараро судининг 2016 йил 26 апрелдаги 2309-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

1. 1980 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 22 АВ 866 бўлган, «ГАЗ 53А» русумли юк ташувчи автотранспорт воситаси.

Бошлангич баҳоси — 4 608 000 сўм.

2. 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 22 АВ 824 бўлган, «МАЗ 5549» русумли юк ташувчи автотранспорт воситаси.

Бошлангич баҳоси — 15 000 000 сўм.

Манзил: Хонқа тумани, М. Абдуллаев кўчаси, 2-уй.

Аукцион савдоси 2016 йил 9 декабрь куни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Шерозий кўчаси, 12-уйда бўлиб ўтади.

Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2016 йил 7 декабрь куни соат 18.00.

Талабгорлар қуйидаги ҳужжатлари топширишлари лозим:

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома.

Мазкур автотранспорт воситалари билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар автотранспорт воситаси бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини «Kim oshdi savdo servis» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» «Тинчлик» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004959643001, МФО: 00580, СТИР: 302221689.

www.koss.uz

Телефонлар: (0-362) 228-48-46, (+99891) 421-00-88.

Гувоҳнома № 4621.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1167. 70 896 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.18 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.

Навбатчи — Д. Улуғмуродов.

Мусаҳҳих — С. Исломов.